



Нуржахон бегим Хиндистонда хукмронлик килган Бобурий шахзодалардан учинчиси — Жахонгиршоҳ (Салим, 1569—1627)нинг иккинчи хотинидир.

Тарихий манбаларнинг берган маълумотига кўра, Нуржахон бегимнинг хакикий исми Мехринисо бўлиб, асли келиб чиқиши Эрондан эди. Унинг ота-онаси йўкчилик оқибатида ўз ватанидан Хиндистонга кўчиб келиб, Акбар подшоҳ саройида хизматга ёлланади. Кунлардан бир кун шахзода Салим (кейинчалик Жахонгир подшоҳ) Мехринисони бозорда кўриб қолади ва унга ошуфта бўлиб, фироқида ўртанади. Бу даврда Мехринисо балогат ёшига етган, сарв комат, ўн тўрт кунлик ойдек киз эди. Шахзода Салим Мехринисо ишиқида куйиб, халоватини йўкотади. Нихоят, унга уйланишга қарор қилади. У ўз қарорини отаси Акбаршоҳга (1542—1605) айтиб, ундан ижозат сўрайди. Акбаршоҳ эса ўз ўглининг бу кизга уйланишига қатъиян қаршилиқ кўрсатади. Акбаршоҳ ўглининг кўнглини совутмок учун Мехринисони сарой аъёнларидан бири — Али Кули Истажлий (Шерафкан)га турмушга чиқишга мажбур қилади. Шерафкан Мехринисога уйлангач, уни кўшинларга сардор этиб Бенгалияга кўчириб юборади.

1605 йилда Акбаршоҳ вафот этади. Тахтга унинг валиахд ўгли шахзода Салим ўтиради ва ўзини Жахонгиршоҳ деб атади. Тақдир тақозосини қарангки, 1611 йилда Шерафканхон Бенгалия ҳокими Кутбиддиннинг қабулига кирганида муҳим масала устида ҳоким билан жанжаллашиб қолади ва уни пичоклаб ўлдиради. Фожиа устига етиб келган соқчилар Шерафканхонни ҳам ўлдирадилар. Шундан сўнг бева қолган Мехринисони Аграга — Жахонгиршоҳ саройига жўнатадилар. Шу воқеадан бир неча муддат ўтгач, Жахонгиршоҳ Мехринисони ўз никоҳига олади.

«Мунтахаб ут-таворих» асарининг муаллифи Ҳакимхон тўра Мехринисонинг Жахонгиршоҳ никоҳига кириши ҳақида олдиндан башорат қилинган бир қизик туш тафсилотини келтиради. Гўё Мехринисо тунларнинг бирида туш кўради. Тушида осмондан куёш тушиб келиб, кўрпаси ичига қиради. Шунда уйғониб кетади ва кўрган тушини эри Шерафканхонга сўзлаб, ундан таъбирини сўрайди. Шерафканхон туш таъбири бўйича билимдон бўлгани туфайли, дарҳол хотинининг тушига қуйидагича таъбир айтади: «Сенинг тўшагингга подшоҳ қирар экан».

Мехринисо ўз гўзаллиги, зийраклиги, фаросатли ва тадбиркорлиги туфайли фақат Жахонгиршоҳнигина эмас, балки сарой аҳлини ҳам ўзига ром қилади. Эндиликда уни Мехринисо эмас, Нурмахал (саройнинг нури) деб атайдилар. Кейинчалик эса жахоннинг нури, яъни Нуржахон деб атайдилар. Нуржахон бегим нозик таъб шоира ҳам эди. У Махфий таҳаллуси билан газаллар битган. Жахонгиршоҳ салтанатида Нуржахоннинг отаси Эътимод-уд Давла номи билан бош вазирлик лавозимига кўтарилган. Унинг ўгли, яъни Нуржахон бегимнинг ақаси Осафхон эса сарой бошқарувчиси мансабида қойим бўлган.

Нуржахон бегим Жахонгиршоҳ салтанатида доно маслахатчи эди. Нуржахон бегим мамлакатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига доир кўпгина эзгу тадбирларни бажарган. У ихтирочи ҳам эди, чунончи, гулоб ва «атри Жахонгирий»ни кашф этган. Шу билан бирга, бир неча хил хуш таъм, лазиз таомлару хона безакларини яратди. Сарой аъёнлари орасида унинг хурмат эътибори кун сайин ошиб борарди. Тарихий манбаларнинг берган хабарига кўра, Жахонгиршоҳ суюкли хотини Нуржахон бегим шарафига «Нури Жахонин» деб аталган 12 граммли олтин танга зарб эттирган.

«Мунтахаб ут-таворих» муаллифи Нуржахон бегимнинг шох билан қилган мушоираларидан (Жахонгиршоҳ ҳам газаллар битган) бир нечасини кўрсатиб ўтган. Бу шеърларни ўқиган киши Нуржахон бегим замонасининг истеъдодли шоираси бўлганлигига шубҳа қилмайди. Газаллардан бири қуйидагидир:

Хадиси холи гу дар нома сабт мекардам,

Сикандвор кукат бар сари сухан месўхт.

Шаҳиди ишки туро шаб ба хоб медидам,

Ки ҳамчу шуълайи фонус дар кафан месўхт.

Зи сўзи синайи Махфий шуд он қадар маълум,

Ки ҳамчу хас, мижааш дар гиристон месўхт.

Мазмуни: Сенинг номаи аъмолингни ёзарканман, сўз устидаги нукталар исирик доналаридек ёнарди. Ишқингда шаҳид бўлганларни кечалари тушимда кўрардим. Улар худди фонус шуъласидек, ўз кафанлари ичида ёнардилар. Махфий қалбининг ёниши шу қадар эдики, йиғлаганда қиприқлари худди хасдек ёнарди.

Сўнги вақтларда Жахонгиршоҳ бот-бот қасал бўлиб, давлат ишларига қарамай кўяди.

Ана шундай пайтларда Нуржахон бегим салтанат ишларини бошқариб туради. Нуржахон бегимнинг салтанат ишларидаги фаолияти ва унинг тутган мавқеи Жахонгиршоҳнинг ўғилларига, айниқса шахзода Хуррам (Шаҳобиддин Шох Жахон)га ёкмасди.

Жахонгиршоҳ саломатлиги ёмонлаша бошлагач, 1616 йилда шахзода Парвез (Жахонгиршоҳнинг иккинчи ўғли)ни тахтга валиахд этиб тайинлайди. Жахонгиршоҳнинг тўртинчи ўғли шахзода Шаҳриёр иродасиз ва қатиятсиз киши эди. Нуржахон бегим кўгирчок сифат шахзода Шаҳриёрни тахтга валиахд этиш мақсадида ўзининг авалги эри Шерафқандан бўлган кизи — Лодила бегимни шахзода Шаҳриёрга никохлаб беради. Жахонгиршоҳнинг учинчи ўғли шахзода Хуррам (Шох Жахон) 1612 йилда 21 ёшида Нуржахон бегимнинг акаси Осафхоннинг 19 ёшли кизи Аржуманд бонуга уйланган эди. Бинобарин, Осафхоннинг мақсади, ўз куёвини шахзода Хуррамни валиахдликка тайинлатиш эди.

Шахзода Хуррам ўз отаси Жахонгиршоҳдан ҳам, валиахд акаси шахзода Парвездан ҳам, укаси шахзода Шаҳриёр ва унинг хомийси малика Нуржахон бегимдан ҳам ҳафа эди. Отасидан сўнг тахтга ўтиришга ҳаракат қиларкан, бу йўлда асосий ғов деб Нуржахон бегимни биларди. 1622 йилда Нуржахон бегимнинг отаси вазир Эътимод-уд Давлат вафот этгач, Нуржахон бегим билан шахзода Хуррам орасида аёвсиз зиддият қучайди. Бу даврда қасалманд Жахонгиршоҳ салтанат ишларига қарамай кўйган, бинобарин, давлатни бошқариш асосан Нуржахон бегим қўлида қолган эди.

Шахзода Хуррам ўз келажаги ҳақида тараддудланиб, 1622 йилда отаси Жахонгиршоҳ томонидан ўз қарамоғига топширилган ногирон (кўр қилинган) акаси — шахзода Хусравни пинҳона бўғиб ўлдиртиради, отаси Жахонгиршоҳга эса «санчик азобидан вафот этди», деб хабар юборади. Шу зайдда сарой ичида гуруҳбозлик авж олиб, қундан-қун салтанатдан путур кета бошлайди. Ана шундай қулай вазиятни кўпдан бери

кутиб турган Эрон хукмдори Шох Аббос тўсатдан Кандахорни камал килади ва кирк кунлик камалдан сўнг шаҳарни кўлга киритади. Жаҳонгиршоҳ шаҳарни кайтариб олиш мақсадида шахзода Хуррам бошчилигида катта кўшин тўплаб, Кандахорга юбормокчи бўлади. Лекин шахзода Хуррам саройдаги нотинч вазиятда тахтдан узоклашиши истамай, Кандахорга боришдан воз кечади ва тез кунда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши кўзголон кўтаради. Кўзголон бостирилади. Аммо саройдаги гурухбозлик, махфий фитналар мамлакатнинг ички ва ташқи маънавияга салбий таъсир кўрсатади. Салтанатни вақтинча Нуржахон бегим бошқарди. У ўз ниятларини амалга ошириш мақсадида Жаҳонгиршоҳга содик лашкарбоши Маҳобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатади ва мол-мулкни рўйхатга олдирди. Бундан норози бўлган Маҳобатхон салтанатга қарши бош кўтаради. Шу воқеадан сал вақт ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Нуржахон бегим билан бирга пойтахтдан Кобулга қараб сафарга чиқади. Маҳобатхон ражпутли кўшини билан йўлга чиқиб, Шох кофиласини (қарвон) ўраб олади. Маҳобатхоннинг барча шартлари Жаҳонгиршоҳ тарафидан ночор қабул қилинади. Нуржахон бегим Маҳобатхонга қаршилик кўрсатмокчи бўлади, лекин қучлар тенг эмаслигига кўзи етгач, мақр-хийла йўлини кидиради. Шох қарвони Маҳобатхон назорати остида Кобулга қараб йўл олади. Кобулга қирилгач, Нуржахон бегим Жаҳонгиршоҳни Маҳобатхон соқчилари кўлидан қутқариб олади ва Кобул кўшинини Маҳобатхонга қарши кўяди. Энди Маҳобатхон учун қочибдан бошқа чора қолмайди. У Кобулдан қочиб Деканга боради ва шахзода Хуррамга кўшилади. Аммо бу вақтда шахзода Хуррамнинг ахволи оғирлашиб, Эронга қочиб ўтиш фикрида юрарди. Бироқ, 1626 йил октябр ойида ақаси валиаҳд шахзода Парвезнинг тўсатдан вафот этиши унинг сўнган умидларини яна жонлантириб юборади. 1627 йили Жаҳонгиршоҳ Қашмир бўйлаб саёҳатга чиқади. Саёҳатдан қайтаётиб, ҳасталаниб йўлда вафот этади ва Лохурда дафн этилади. Бу хабарни эшитган шахзода Хуррам тахтни эгаллаш учун Декандан Аграга йўл олади. Шахзода Хуррам Аграга етиб келгунга қадар унинг қайнотаси Осафхон муваққат равишда марҳум шахзода Хусравнинг ўгли Довар Бахшни тахтга ўтказди. Шахзода Шаҳриёрни ушлатиб, кўзига мил тортириб, қўр килади. Қуёви шахзода Хуррамнинг Аграга яқинлашгани хабарини эшитган Осафхон тахт соҳиби кўнгирчоқ Довар Бахшни турли-туман васвасалар билан кўрқитиб, тахтдан воз кечиши ва ўзини панага олишини маслаҳат беради. Довар Бахш тахтни ташлаб қочади ва Эрон шоҳи ҳузурига паноҳ истаб боради. Шахзода Хуррам 1628 йил феврал ойида Аграга қириб, айтарлик қаршиликсиз тахтга ўтиради. У салтанатни ўз тасарруфига қиритгач, ўзини «Шох Жаҳон» номи билан аташнн буюради. Ниятларига ета олмаган малика Нуржахон бегим 1645 йилда вафот этади ва қабри Лохурнинг Шох Дара қабристонига қўйилади. «Тазкират ул-хавотин»да ёзилишича, Нуржахон бегимнинг қабр тошига ўзи битган қуйидаги байт ёзилган экан: Бар мазори мо қарибон на қароғи, на қули, на пар парвона ёби, на садойи булбули. Мазмуни: Биз қарибларнинг мазоримизда, на қироқ, на қул, на булбул садосию, на бирор парвонани топмайсан.

